



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 25 ноябр, сешанба № 183 (1608)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ БОЛГАРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 ноябр кuni давлат ташрифи билан Болгарияга жўнаб кетди.

Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги алоқалар ўзаро хурмат ва ишонч руҳида ривожланмоқда, - деди давлатимиз раҳбари Софийага жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. - Дўстона муносабатларимиз халқларимиз бошига қийин кунлар тушганда, айниқса, яққол намён бўлган. Хусусан, ўтган асрда Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Болгария ҳам яқиндан ёрдам берган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий муносабатлар ҳам ана шу дўстона ишонч руҳида тараққий этмоқда. Бир сўз билан айтганда, алоқаларимиз ривожланишида сиёсий жиҳатдан муаммо йўқ.

Бирок, бизни сўнгги пайтда иқтисодий алоқаларимиз анча сузлаша бошлагани ташвишга солаётди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга камайиб кетгани кузатилди. Ўзбекистонда ҳам, Болгарияда ҳам экспорт бўл маҳсулотлар кўп. Аммо бу борада икки мамлакат ишбилармонлари етарли тасаввурга эга эмаслиги ва бозорни яхши ўрганишга жиддий эътибор бермаётгани иқтисодий алоқаларимизни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Холбуки, мазкур алоқаларни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш катта.

Болгарияга ташрифи-

миз давомида Президент Георги Парванов ҳамда ҳукумат ва парламент раҳбарлари билан музокара-лар ўтказиб, мазкур масалаларни атрофлича муҳокама этамиз, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим кидирамиз. Икки давлат ўртасида турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни кўзда тутувчи ўн бешга яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улар орасида солиқ, транспорт, божхона соҳаларига оид бир қанча муҳим ҳужжатлар бор.

Болгария коммуникация нуқтаи назаридан ҳам бизга яхши шерик бўла олади. Ташрифимиз давомида Бургас шаҳрида Болгария транспорти салохиятининг тақдироти режалаштирилган. Унда мамлакатларимиз ўртасида коммуникация соҳасидаги алоқалар масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Болгария халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболга эга.

Сўнгги йиллари Болгария Европа Иттиқоқи ва Шимолий Альянсга интеграциялашуви йўлида муҳим қадамлар ташлади. 2004 йили у Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХТТ) расмий қўшилди. Яқинда эса НАТОга қабул қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Болгария ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

София, 24 ноябр. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистонлик олий мартабали меҳмоннинг давлат ташрифи муносабати билан Болгария пойтахти аэропорти, кўча ва хиёбонлари икки мамлакат байроқлари билан безатилди. Софийа марказида «Авдӣ Александр Невский» майдонида фахрий қоровул саф тортди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Болгария Президенти Георги Парванов кириб келди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шу тариқа мамлакатимиз раҳбарининг Болгария Республикасига давлат ташрифи бошланди.

Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этганлар хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар кўриб чиқилди. Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи сиёсий жабҳада жадал ривожланмаётганини, лекин савдо-иқтисодий алоқалар борасида қонқарсиз эканлигини таъкидлаб, ишбилармон доиралар вакиллари учун кенг имкониятлар яратиш беришга оид масалани муҳокама қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳужжатлари арафасида ўтган сессияси якунларини кўриб чиқди.

Сўхбат чоғида транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида эътибор берилди.

Халқаро микросоғат муаммолар орасидан террорчилик ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг қайриқонуний савдоси президентларнинг диққат марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тарихидаги музокарасида Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилар экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакатнинг ўртасидаги ма-софанинг нисбатан узоқлиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада тақомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокарада эришилган натижалар ҳақида унинг якунида имзоланган ҳужжатлар тўлиқ тасаввур беради. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида Даромад ва мулкка икки

томонлама солиқ солишдан қочиб тўғрисидаги битим, Ветеринар-санитария конвенцияси, Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро алмашлаб юк ташин тўғрисидаги битим, Ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Анжуманда томонлар музокарадан тўла қониқш ҳосил қилгани таъкидланди.

Оқшош Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Болгария Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болгарияга давлат ташрифи давом этмоқда. (ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари, Сизни Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этаман. Бутун жаҳон мусулмонлари учун муҳим бўлган ушбу айёмда биз Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз.

Рамазон бошланиши муносабати билан ёзган мактубингизда, Сиз келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши бىрча соҳалар бўйича кенг миқёсда этишга умид қилишингизни билдирган эдингиз. Мен ҳам шундай умиддаман.

Самимий ила,
Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу! Қутлуғ Йид ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Мусулмон халқлар аввалгидан кўпроқ бир-бирларига яқинлашиши билан уларнинг кун сайин равақ топиши ва иззат-икромларининг ортиши учун имкониятлар яратилди ҳамда дўстлик ва биродарлик ришталари янада мустаҳкамланиб боради, дея умид қиламан. Худованди қаримдан Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, юксалиш ва тараққиёт тилаб қоламан.

Саййид Мухаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари, Мен ва Ҳазрати Олийлари Сиз Жаноби Олийларини муқаддас Йид ал-Фитр байрами муносабати билан қизгин табриклаб, самимий тилақларимизни изҳор этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мақбул ва дўстона муносабатлар янада гуллаб яшнаётгани, деб умид қиламан.

Яратган Аллоҳ Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат ва Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва фаровонлик ато этсин.

Туанку Сайед Сиражуддин Путра
Жамалуллайл Янг Ди-Пертаун Агонг XII,
Малайзия Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Барокотли Йид ал-Фитр муносабати билан Мальдив ҳукумати, халқи ҳамда ўз номидан Сиз Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу тилақларимизни йўллаймиз.

Йид ал-Фитр мамлакатингиз халқига ҳамда бутун ислом умматига бахт-саодат ва қувонч келтирсин. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, хуш қайфият, биродар Ўзбекистон халқига давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Маъмун Абдул ҚАЙОМ,
Мальдив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу! Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимизни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ушбу қутлуғ айёмда қодир Аллоҳдан мусулмон умматига фаровонлик, бирдамлик ва бирлик ато этишини сўраб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, узоқ умр, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва доимий тараққиёт тиламан.

Иақуддин АХМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ



Эришяётган ютуқларимиз, осуда ҳаётимиз, эртанги кунга ишончимиз, халқаро майдондаги обур-эйтибормиз неғизда Конституциямиз белгилаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар мужассамдир. Жамият ҳаётининг мезони бўлган Бош Қомусимизни чуқур ўрганишимиз, унинг маъно-моҳиятини тўғри англаб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз лозим. Шу жиҳатдан Ўртабшарнинг 2001 йили 4 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил

этиш тўғрисида»-ги фармойиши ёшлар ҳуқуқий тарбиясини юксалтиришда алоҳида ўрин тутади.

Мазкур ҳужжатга биноан бугунги кунда Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тарихидада ўқитиш, олий ўқув юрталарида махсус курс сифатида ўрганиш йўлга қўйилди. (Давоми 2-бетда)

Жорий йилнинг 1 август кунини Ўртабшарнинг Қашқадар вилоятининг Шахрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг кекса пахтакори Яхё ота Эргашев даяласида бўлиб, она пудрати аъзолари билан суҳбатлашган эдилар. Президентимиз билан учрашувдан руҳланган миришқорлар мўл ҳосил етиштириш йўлида фидойий меҳнат қилдилар. Бугунги кунда ҳар гектар майдондан 52 центнердан хирмон кўтарилиб, шартнома режаси 2 бараварига ошириб бажарилди.

ИЖАРАЧИГА «НЕКСИЯ» ТОПШИРИЛДИ

74 ёшли Яхё ота ва унинг умр йўлдоши 14 ўғил-қизини тарбиялаб воғая етказган Улаш момо Улуғовларнинг меҳнати юксак қадрланди. Оилавий пудрат аъзолари Президентимиз томонидан «Нексия» автомашинаси билан тақдирланди.

Юксак муқофотни топириш катта тантананага айланди. Шу кунини ширкат ҳўжалиги зарҳунослари зафар маррасини эггалдилар.

Муқофотнинг топирилиши улуг айём кунларига тўғри келганлиги қучимга-қуч, гайратимга-гайрат қўшди, - дейди тақриблари дехон Яхё ота.

Нафақада бўлмас ҳам далани тарҳ этгим йўқ. Фарзандларим билан бир сафда меҳнат қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшавераман. Қутлуғ рамазон кунлари Эргашевлар оиласига қут-барак келтирди. Қишлоқдошлар кеса пахтакорни муқофот билан қутлаб, унга узоқ умр тиладилар.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!
Азиз юртдошлар, Сизларни Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбдан муборакбод этаман. Ушбу қутлуғ байрамнинг фойду барокоти қалбларимиз ва хоҳадонларимизни мунаввар айласин.

Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсинки, муборак Йиди Рамазонни эзул юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжихатлик, каттага хурмат, кичикча иззат, ҳиммат ва саховат каби аъналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринчи руҳ билан қутиб олмақдамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада тақомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»-ги қарори қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл қўнғидаги айни мўддао бўлди.

Мазкур қарор диний билим юрталарининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилишини таъминлайди. Эндиликда диний ташкилотлар коммунал хизмат учун тўловларни ишлаб чиқарувчи ташкилот сифатида эмас, балки аҳолидан олинадиган микдорда тўламоқдалар. Бундан тежалган маблағ ҳамда маданий мерос сифатида давлат рўйхатига олинган зиёратгоҳ ва ушбу қарор билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилган қатор диний обидалардан тушадиган хайрия маблағлари масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим тизимини тақомиллаштириш, имом-

хатиб ва мударрислар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини кўзлаб қабул қилинган мазкур тарихий қарор улмо ва имом-хатибларимизни ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сийқидилдан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидан парастасраш ва экстремизм ҳатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Мустақиллик тўғрисида жўхон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Ахмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиновий, Абдуқолий Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Наҳидий Кўбро ва бошқа ўнлаб алломаларимизнинг бебаҳо меросига мубносиб хурмат кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармони дунё маданияти заҳинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ аллома меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий коммунал чорловчи гоғларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига синғириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишларни янада тақомиллаштиришга замин яратди.

Вазирлар Маҳкамасининг тасавуф илмининг йирик намоёндаси, хожагон тариқатининг асосчиси Абдуқолий Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан жорий йилда аллома меро-

сини ўрганиш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилди, у яшаб ўтган диёрда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, муборак зиёратгоҳ барпо этилди.

Бу йилги Рамазон шариғи ҳар қачонгидан ҳам жуда сарғайиб келди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил топгани ҳам олтимиш йил тўлди. Ана шу давр мобайнида босиб ўтилган шонли йўлга назар солар эканмиз, диний идора фаолиятининг кенгайиши, турли жабҳаларда севазиларни даражада улкан ютуқ ва муваффақиятларнинг қўлга кириштирилиши мустақиллик йилларига тўғри келганининг гувоҳи бўламиз.

Бу кунларга соғ-омон етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳусни муомалада бўлайлик. Бирор сабабга кўра араزلанган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам хайит шарафати тўғрисида бир-бирларига қучоқ осинлар. Чунки кечиримли бўлиш чин мўминга хос фазилатдир.

Аллоҳ таоло Куръони қаримнинг «Оли Имрон» сураси, 134-оятда шундай марҳамат қилади: «(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларидан ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв етадиганлардир». Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар!

Шунингдек, саховатпеша кишиларимиз Аллоҳнинг уларга берган нўматларидан хайр-эҳсон қилишлари, муҳтож одамлар, мискинлар фақирларга ёрдам қилини чўмоқликлари даркор. Савоб ишини ҳар ким, ҳар кун қилиши керак.

Ислом дини кишиларни, уларнинг дини, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-хурмат кўрсатишга ундайди. Куръони қаримда: «Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсени шерик қилман! Ота-она-

га яхшилик қилинг. Шунингдек, қариндош, етим, мискин, қариндош қўшини ва бегона қўшини, ёнингни гиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир) ва қўл остингиздагиларга ҳам (яхшилик қилинг!)»-дейилган (Нисо сураси, 36-оят). Мазкур таъомил жамият берилиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Раҳбари томонидан ушбу йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам эълон гоғларини тўшунтирди. Уларнинг қўлчилиги адашганини англаб, қилмишидан пушаймон бўлди. Айни дамда уларни афв этиб, бундан кейинги ҳаётларида Ватанга, халққа хизмат қилиш орқали хатоларини оқлаш имкони берилмоқда. Уз навабтида, маҳалла жамоатчилиги, ёшларга мутавадди ташкилотлар билан бир қаторда имом-хатибларимиз ҳам уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фойдали меҳнат билан машғул бўлиши учун ёрдам кўрсатмоқлари лозим.

Муборак Рамазон ҳайити улуг байрам. Бу кунини шоду хуррамлик билан ўтказиш ҳамда жамиятимизда кузатилаётган гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, байрамни азага айлантириш каби иллатларга барҳам бериш лозим.

Улуг айём билан муҳтарам Президентимизни, қарилк гаштинини суратган табарруқ ёшдаги нуруний ва фойдали отахон-онахонларимизни, шунингдек, барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этамиз. Ватанимиз истиқболни порлоқ, диёримиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

Хайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Абдурашид қори БАХРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

3 декабр - Халқаро ногиронлар куни

Бундан йигирма бир йил муқаддам БМТнинг Бош Ассамблеясида умумжаҳон ногиронлар ҳақарати дастури қабул қилинган эди. Бу сана ҳар йили бутун дунёда Халқаро ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланади.

Ночорларга меҳр-муруват кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизнинг азалий эзгу амалларидан саналади. 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Вази́рлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

ЎЗБЕКОНА БАФРИКЕНГЛИК

шудаги чекланишларни бар-тароф этиш, ногиронларни тўлақонли ҳаёт кечиртиришга, жамиятнинг иқтисодий ва сийсий турмушида фаол қатнашишларига ҳамда ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришга имкон берадиган қулай шарт-шароит яратиш борасидаги давлат сиёсатини белгилаб берди.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси вази́рлар Маҳкамасининг раисининг ўринбосари Ойбек Исоқовнинг

Жамият бир қатор давлатлардаги халқаро ногиронлар жамғармалари билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Сақиз йилдан буён АҚШнинг «Енград» халқаро жамғармаси билан биргаликда ногирон болалар ўртасида «Мафункор ранглар дунёси» фестивали ўтказиб келинаётгани бунга мисол бўла олади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Алишер Иноқовнинг айтишича, бу йил Халқаро ногиронлар куну муносабати билан ногиронларга махсус аравачалар, эшитиш мосламалари, энгил, ичмам протезлар, ҳасса ва қўлтиқтаблар, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш учун жойларда тегишли ишчи гуруҳлари ҳозирдан бунга аҳолини бошлаган.

(ЎЗА)

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОНДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

Кучли ижтимоий ҳимоя машҳур беш тамойилнинг тарқибий қисми. У мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок изчил амалга ошириб келинапти.

Жумладан, ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, мунтазам эътибор барчани беҳад қувонтирарди. Халқимиз азалдан меҳр-оқибатли, мурувватли эл экани бугунги ўтти даврида ҳам ўз инфодасини намоян этмоқда. Саҳоватли инсонлар ёлғиз яшовчилар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришмоқда.

Янгийўл шахридаги уч нафар мухтож одам ногиронлар араваси билан таъминланди. Йигирма сақиз нафар кишига эса протез-ортопедия мосламаси етказиб берилди. Ўтти тўққиз нафар кўнгли ногиз киши сирхатҳоларда саломатлигини тиклаб қайтди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бўлимишимиз Янгийўл шаҳар ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда иш олиб бориб муаммоларни ҳал этишда бир-биримизга яқиндан кўмаклашяпмиз. Жамият қошида намунали фаолият кўрсатаётган икки та марказда ногиронлар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳамма шароит мўхайё. Келувчилар бу ерда дам олиш билан бирга даволаниб, кўнглилар томошалар кўришади. Байрамларда эса ҳомийлар томонидан тайёрланган совғасаломлар улашилади.

имий хизматида. Мурувватга мухтожларга сотилаётган маҳсулотлар сифати яхшилиги ва баҳоси бозор наҳидан анча арзонлиги билан харидорларни хушнуд этмоқда.

Шу ўринда ҳомийлар кўрсатаётган беғараз ёрдамнинг аҳамияти ҳам катта бўлаётганлигини таъкидлаш зарур. «Биокиме» корхонаси биринчи гуруҳ ногиронлари Валерий Шатиловга махсус аравача олиб бериш учун керакли маблағни ўтказиб берди. «Гишт-Инвест», шунингдек, «Росси», «Лаззат» кўшма корхоналари, ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти жомалари ҳам бундай инсонларга керак пайтда беминнат мурувват кўрсатиб келмоқда.

Инсондан фақат яхшилик қолади, дейди халқимиз. Ўшбу нақлга амал қилган ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ёлғиз яшовчи ногиронларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонларни вақтида етказиб беришяпти. Меҳр-ға ташна қалбларининг нима илтимослари бўлса, баҳо келтиришяпти. Иккинчи жаҳон урушининг биринчи гуруҳ ногиронлари Николай Шимягин ва Борис Рехин, Озод Абдухалилов ҳамда бошқалар Албина Исмоилова, Муқаддас Тўхтаева, Му-

ҳаббат Тўхтаенова каби ширинсўз, қалби очик ходимларнинг беғараз хизмати билан миннатдорлар. Кўмакталаб кишиларнинг яққалини қўлишига йўл қўймайлик эса ҳаммамизнинг бурчимиз. Буни доим ёдимизда сақлаган ҳолда ўз вазифамизга сидқидил ва масъулият билан ёндошишга интиляпмиз. Масалан, махсус ҳисобда турган, сирхатҳода даволаниши зарур бўлган етти нафар ёлғиз хастанинг бари иҳтисослашган сирхатҳо-ларга юборилди. Беш фуқаронинг уй-жоий бекамун кўст таъмирланди.

Шу каби моддий ва маънавий ёрдамни бошқа пенсионерларга ҳам кўрсатяпмиз. Ҳозирги пайтда шаҳримизда 9143 нафар пенсия ва нафақа олувчи бўлиб, уларга тайинланган маблағ муддатиде тарқатиларти. Шу йилнинг тўққиз ойида 227 нафар кексага ёшга доир, 123 нафар фуқарога ногиронлиги бўйича, 44 нафар кишига боқувчисини йўқотганлиги ҳамда икки болага етилмиги учун пенсия тайинланди. Ижтимоий нафақалар эса 36 нафар фуқарога белгиланди.

Гулбаҳор РАСУЛОВА, Янгийўл шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири

КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-бетда)

Конституцияимизни халқимиз орасида тасвирий воситалар орқали тарғиб ва таъшиқ этишда республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уюшманинг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган «Конституция - бахтимиз пойдевори» мавзусидаги кўрик-танловий юртимиздаги барча таълим ва тарбия муассасалари, маҳаллаларда муваффақиятли ўтди. Кўзланган мақсад мустақиллигимизнинг қонуний пойдевори - Конституция моҳиятини ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир. Тобора яқунга етиб бораётган танлов ғолиблари 8 декабрь - Конституция куни арафасида маълум бўлади.

Танлов тасвирий санъат, синф, ўқув хоналарини беэаши, иншо, фотосуратлар ва плакатлар йўналишида олиб борилмоқда. Танлов доирасида уюшма томонидан Конституцияимизнинг аҳамиятини плакат ва суратлар орқали тарғиб этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сайёр кўргазмалар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир. Уюшма «Ассий қонун сабоқлари» мавзусидаги туркум плакатларни нашр этиб, таълим муассасаларида тарқатишни йўлга қўйди. Ўшбу плакатларда давлатимиз рамзлари, Ватан тимсоллари шеърлий лавҳалар билан биргаликда берилган.

(ЎЗА)

Энг катта савоб ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси, айниқса ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Президент Фармонлари ва Вази́рлар Маҳкамасининг қарорлари асосида иш олиб бораётган Қашқадарё вилоят тиббий экспертиза хизмати ходимлари ўз фаолиятлари самарадорлигини тобора оширмоқдалар.

Ҳозирги пайтда вилоятда 14 та тиббий меҳнат экспертиза комиссияси бўлиб, уларда 46 нафар малакали шифокор ишлаб турибди. Туман ва шаҳарларда фуқароларнинг врачлар кўригидан ўтишлари учун ҳамма қулайлик яратилган. Амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида аҳоли ўртасида кейинги 3-4 йилда ногиронлик кўрсаткичлари салкам беш фоизга камайди. Соғлиғи тикланганлиги сабабли ногиронлик гуруҳи бекор қилинганлар 1417 кишига ёки 8,1 фоизга ортди. Олиб борилган реабилитация-соғломлаштириш ишлари натижасида иқтисодий самарадорлик 231 миллион сўмни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борапмиз, - дейди биз билан сўхбатда вилоят тиббий меҳнат экспертиза хизмати раҳбари И.Чориев. - Қарши шаҳридаги реабилитация марказида ногиронларни тиббий, ижтимоий, касбий, техникавий тиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозирга қадар мингдан ортиқ ногиронлар соғломлаштирилди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофазалаш борасида олиб борилаётган сарф-хароқатлар ижобий самара бермоқда.

Тиббий меҳнат экспертизаси хизматидаги кишилар тез-тез муружат қилишади. Ердамга мухтож одамлар очик чехра билан қарши олинади. Вилоятнинг кишлоқ ва маҳаллаларида олиб борилаётган мулоқотлар, тарғибот-ташвиқот ишлари тўғрисида ариза ва шикоятлар анча камайди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги талаби асосида илгари ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланган фуқаролар, Чернол АЭСи ҳалокати иштирокчилари қайта кўриқдан ўтказилиб, тўрт нафарининг ногиронлиги бекор қилинди, ўн уч нафари умумий касаллик гуруҳига ўтказилди.

Реабилитация қилинган ногиронлар корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарияти ва касабга уюшма қўмиталари ёрдамида саломатлигига мос келадиган юмушларга юборилди.

Турли касалликлар ва жароҳатланиш оқибатида меҳнат фаолиятини йўқотган кишиларга амалий ёрдам кўрсатиш, фуқароларни тиббий-ижтимоий, касбий, ҳуқуқий, маиший томондан қайта тиклаш экспертиза ходимларининг эътиборида турибди.

Ёлқин

БОР БЎЛ, МЕҲРУ ОҚИБАТ!

БОЛАЛАРГА СОВГАЛАР

Бола шодлиги оламни безайди. Ҳаётда ана шу беғубор туйғу бор экан, кўнгли ўқсиклар бўлмайди. Касаба уюшма ташкилотлари бундай савобли юмушларга доимо бош-қош.

Сирдарё вилоятидаги «Меҳрибонлик уйи»да бўлиб ўтган тантана бунга яна бир қарра исботлади. Автотранспорт ва автойўл ходимлари касабга уюшма Марказий қўмитаси раиси Алишер Мадалимов болалар хузурига бир олам совға-салом келтирди. Қизларга хонатлас, ўғил болаларга футбол уст-бошлари топширди. Шунингдек, кўп миқдордаги кир ювиш воситалари ҳам тақдим этилди.

Тошкентдаги «Меҳр-жон» танловига йўл олётган тарбияланувчилар қонберт дастури барчани хушнуд қилди.

Н.ФАХРИДИНОВ



Пайларик туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида кўпгина пири давлат отахон онахонлар истикомат қилишади. 75 ёшли Файзулла ота Галябов (суратда) уларнинг бири. Ну-

роний ўзини ҳамон сафда деб билиб, ёшларни миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаб, ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ғ.ХИДИРОВ олган сурат

Касаба уюшма тадбирлари

Сурхондарёлик пахтакорлар уйган «оқ олтин» хирмонининг бўйёда этилишида фермер хўжалиқларининг ҳиссаси катта бўлди. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшма Марказий Қўмитаси фаоллари Сурхондарёда бўлиб, энг илғор фермер ва теримчиларни муносиб мукофотлар билан тақдирлади.

Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Янгибой Аннақурбонов номили фермер хўжалиги заршунослари ҳам мавжуд 20 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил йиғиштириб, давлатга 75 тонналик «оқ олтин» топширдилар. Етиштирилган ҳосилнинг ассий қисми аёло навларга сотилди.

Йил бўйи қилган самарали меҳнатимизни тақдирлаган тармоқ касаба уюшма Марказий Қўмитасидан беҳад миннатдоримиз, - дейди фермер хўжалиги бошлиғи Саттор Аннақурбонов. Шунингдек, ширкат хўжалиги ҳудудидаги яна бир илғор «Чўлибой» фермер хўжалиги бошлиғи Ражабали Қурбонов, теримчилар С.Қурбонова ва А.Чориевага ҳам қимматбахор эсдалик совгалари топширилди.

ҲАЛОЛ ИШЛАГАН ҚАНДИНИ УРСИН

фермерларнинг қўшган ҳиссаси ҳам катта бўлди. Вакиллар тумандаги Исохон Баҳромов бошқарётган «Саид-носирхон» фермер хўжалиги таширф буюриб, пахтакорлар билан дилдан сўхбатлашди. Уларга яратилган шароит билан танишдилар. Энг илғор ишчи ва теримчиларга Марказий Қўмитанинг «Фахрий ёрлик»лари, қимматбахор эсдалик совға ва пул мукофотлари топширилди.

Туманда илк фермер хўжалигига асос солганмиз. Бу йил 82 гектар майдонга чегит экиб, гектаридан 40,7 центнердан, жами 333 тонна пахта ни аёло навларга топширдик. Эришган меҳнат зафаримиз замирида 112 нафар ишчи-хизматчининг йил бўйи тўққан пешона тери

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

ГРУЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

Ўтган шанба куни Грузияда вазият анча кескинлашди. Мухолифат қулаги мамлакат парламенти ва давлат маҳкамаси бионоларни эгаллаб олди. Мазкур воқеадан бир кун ўтган, Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе истеъфо берди. Журналистлар билан сўхбатда ўз халқи манфаатларини ва мамлакат оқсийишталлигини сақлаб қолиш учунгина шундай қарорга келганини маълум қилди.

тўғрисида қарорга келган. Грузия хавфсизлик қулаги ҳам мухолифат томонида ўта бошлагани ушбу жараянни ананда тезлаштирди. Маълумотларга қараганда, ўтган ақшанбада манлакат ички ишлар вазирлиги ҳарбий бўлинулари, икки мингга яқин миллий гвардиячи ҳамда Тбилиси полициясининг шахсий таркиби билан мухолифатчилар томонига ўтган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, Эдуард Шеварднадзе пойтат Тбилисида мухолифат вакиллари билан ўтказилган музокаралардан сўнг истеъфого чиқши

Шеварднадзе билан бўлиб ўтган сўнги учрашув илқ кайфиятда ўтганини, ушбу учрашувда Грузиянинг келажаги тўғрисидаги масалалар мухокама этилганини таъкидлади.

ЕТИМЛАР БОШИНИ СИЛАБ

Тошкентда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармасининг йиллик ақунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Мазкур жамғарма ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2002 йилда ташкил этилди. - Жамғарма болаларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини бажа-

риш билан бирга, тарбияланувчи болаларнинг қўшимча маълумот олишлари ҳамда уларнинг ўрта махсус ва олий ўқув юрталарига киришларига кўмаклашади. Болаларга маънавий ва ахлоқий тарбия бериш, баъзан ҳар бир болада маънавий ва ахлоқий негизларни ривожлантириш жамғарма ишининг устивор йўналиши ҳисобланади. Мазкур ёндашув индивиду-

ал бетакрор шахсни шакллантириш ва унинг ўз ўзини такомиллаштиришига асосланади.

Жамғарма томонидан меҳрибонлиқ уйларида тарбияланувчи болаларнинг қўбилият ва истеъдодини рўёбга чиқарувчи ўқув маркази, ҳар бир тарбияланувчи ҳақида тўлиқ ахборотлар жамланган маълумотлар базаси негизда фаолият кўрсатувчи психологик

БИР МИЛЛИОН СЎМЛИК КИТОБ мактабларга хўжалик совғаси

кидлаш жоиз. Улар телевизор, магнитофон ҳамда бошқа қимматбахор совғалар билан тақдирландилар. Икки йилдирки, касаба уюшма томонидан энг яхши ишлаганларга санаторийларга йўланма берилиб, республикамизнинг тарихий жойларига саёхатлар уюштирилмоқда.

Хўжаликда ҳозирги кунда 20 минг нафардан ортиқ аҳоли ишайди. Тўйлар эсда қоларли қилиб ўтказилмоқда. Нурунийлар, маҳалла фаоллари кўп миллион кишилар ўртасида ҳамкор хамжихатлик, меҳр оқибатни қулайтириш

Саховат

пайида бўлишяпти. Яқинда хўжалик раҳбарининг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Яъни миллион сўмлик китоблар хўжалик ҳудудидаги мактабларга совға қилинди. Кишлоқларни ободонлаштириш, спорт иншоотлари қуриш ҳам диққат марказда. Мутасаддилар кичик корхоналар ташкил этиб, ёшларни муқим иш билан таъминлашмоқда. Шу маънода консерва заводининг тугган ўрни алоҳида. Бу ерда 160 киши самарали меҳнат қилиб боғларда етиштирилган неъматлардан консервалар тайёрлашмоқда. Завод Германиянинг «Глоденгодинг» компанияси билан ўзаро манфаатли шартнома тузиб, ҳамкорликни йўлга қўйди. Демак, бундан буён олма, узум, анор шарбатлари янада кўпаяди. Тотли маҳсулотнинг 80 фоизи Германияга экспорт қилинади.

Раҳмон АЛИЕВ

Шарҳловчи минбари

ҳудудини тарқ этиш ниятида бўлса, Германия уни ўз ҳудудида қабул қилишга рози эканини маълум қилган.

Айни пайтда Грузия давлат раҳбари вазифасини мамлакат парламенти раиси Нино Буржанадзе бажариб турибди. Мамлакат конституциясига мувофиқ, мудардан илгари президентлик сайловлари қирқ беш кундан кечиктирилмай ўтказилиши керак.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Нино Буржанадзе билан телефон орқали мулоқоти чоғида АҚШ Грузия мустақиллиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлашини ҳамда Грузия халқининг мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтишига кўмак беришга тайёр эканини билдир-

Нодирбек ЎЛЖАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИГА КЕЛТИРИЛДИ

Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, ЮСАИД каби халқаро ташкилотлар кўмаги билан Оролбўйи минтақасида «Саломатлик» дастури амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён шифохоналарга 732 миллион 845 минг сўмлик дори-дармон ва 17 дана электрон ускуна тарқатилди.

Шу йилнинг август ойида, дастурга мувофиқ, чекка овуллардаги шифо масканларига олтига тез ёрдам машинаси келтирилган эди. Яқинда яна ўн бир машина етказиб берилди.

(ЎЗА)

«ИНСОН САЛОМАТЛИГИ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий қонгаши «Инсон саломатлиги» дастури доирасида қатор муолажаларни амалга ошириб келмоқда. СПИД хасталигининг олдини олиш борасида кўрилайётган тиббий тадбирлар экан асарлари орқали ёритилмоқда.

Яқинда суратга олинган навабдаги ҳужжатли фильм «Инсонпарварлик руҳида» деб номланди. Унда жамият жушқун фаолиятини муқим томонлари ўз аксини топган.

Янги фильм яқинда жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Фильм намойишида олий ўқув юртлири талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам қатнашди. А.АХМЕДОВ

Яқинда Тошкентда Матбаа олий ўқув юртлири Халқаро ассоциациясининг «Матбаа, фан ва таълимда медиа технологиялар» мавзусидаги 34-Халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Мазкур халқаро ассоциация дунёнинг 40 та мамлакатда жойлашган 110 та олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот ташкилотларини ўзига бирлаштирган бўлиб, ҳар йили фан ва таълим тараққиётининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиб келмоқда. Буюк Ипақ йўли тарихида муносиб ўрин тутганлиги, бой табиат неъматлари, жуғрофий кенг имкониятларга эгаллиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда эришаётган ютуқлари мустақил Ўзбекистон нуфузини халқаро миқёсда янада орттиришга хизмат қилмоқда. Кўплаб долзарб илмий муаммолар ечимига бағишланган Халқаро конференцияларнинг Тошкентда ўтказилиши ҳам беҳиз эмас.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг 2-сифат босқичида янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган ўқув ва илмий лабораторияларда тадқиқот ишлари самарасини ошириш бўйича олий ўқув юртлирида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Республикада ахборот технологиясини ривожлантириш дастурини амалга оширишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Олий Мажлисининг II чақириқ XII сессиясида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот

коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жорий этилиши миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўламда қўллаш омиллини яратди.

Марказий Осиёда дастлабки матбаа корхонаси, маълумки, 1868 йилда барпо этилган бўлиб, матбаа саноатининг техника ва технологияларини жорий этиш бир қанча тараққиёт босқичларида амалга оширилди. Мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистонда бу соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Матбаа



корхоналарининг барчаси янги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди, кенг миқёсдаги қайта таъмирлаш ишлари

олиб борилди. Корхоналар акционерлик жамиятларига айлантирилди. Кичик ва ўрта бизнес учун катта йўл очиб қўйилди. Ҳозирги кун-

Истиқлол берган имкон

дизайн» кафедраси институтда 1988 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган даврда 585 нафардан зиёд мутахассислар тайёрланди, жумладан 106 нафар бакалаврлар ва 18 нафар магистрлар ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларидаги матбаа корхоналарида самарали меҳнат қилишмоқда.

Институт 1996 йилдан Халқаро матбаа Олий ўқув юртлирининг Ассоциациясига аъзо. Шунинг шарофати ўлароқ институт ўзининг матбаа соҳасига оид янги техника ва технологияларига эга бўлди. Дунёдаги ривожланган турдош олий ўқув юртлири билан ҳам-


нингдек, ҳамкорликда янги ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш жараёнлари ҳам жорий этилмоқда. Институт корпоратив ахборот алоқасига уланиш жараёнини тўлиқ тугатмоқда. Талабалар, аспирантлар ва профессор-ўқитувчилар «INTERNET» тизимидан самарали фойдаланмоқдалар. Масофадан ўқитиш жорий этилган бўлиб, видеоконференциялар ўтказиш йўлга қўйилди.

Халқаро матбаа олий ўқув юртлири Ассоциациясининг президенти, Халқаро илмий-амалий конференциянинг таъкидчиларида бири, профессор Хартманн Либетрут Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг фахрий профессори-дир.

Мазкур Халқаро илмий-амалий конференцияга Буюк Британия, Германия, Голландия, Бельгия, Дания, Венгрия, Польша каби Европанинг нуфузли давлатларидан таниқли олим ва мутахассислар ташриф буюришди. Шунингдек, Россия ва Украина давлатларининг матбаа Олий ўқув юртлири ректорлари, ўқитувчи ва мутахассислари ҳам қатнашди. Конференция матбаа корхоналарининг раҳбарлари, мутахассислар ва институт профессор-ўқитувчилари қолаверса, талабалари учун ўзига хос мактаб вазирасини ўтди.

Абдусаттор АБДУГАФФОРОВ, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг биринчи проректори

МАТБААЧИЛИГИМИЗ УЎҚУВ ЮРТЛАРИ



да мамлакатимизда 818 тадан зиёд матбаа корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларнинг яримдан кўпроги мустақиллик йилларида барпо этилган.

Эътироф этиш жоизки, матбаа саноати ўқув адабиётларини ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳамият берилмоқда. Матбаа саноати талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, янги технологияларни ишга солган ҳолда сифатли маҳсулотлар миқдорини кўпайтиришга эришилмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти матбаа саноатига юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти ҳисобланади. «Матбаа, босма маҳсулотлари ва

корлик ўрнатилди. Кафедра ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган матбаа олий ўқув юртлирида ва корхоналарида малакаларини ошириб келмоқдалар. Дунёда матбаа машиналари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича энгилор «HEIDELBERG» фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатилгани натижасида энг замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланган 500 миң миқдордаги матбаа ўқув маркази барпо этилди. Институт Германиянинг Вуппертал шаҳридаги Берг бирлашган университети ва Россиянинг Москва матбаа университети билан уч томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида ўқув жараёнига янги матбаа услубларини жорий этишда кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Шу-

АКСЕЛС ТАКЛИФИ

Америка халқаро таълим кенгаши - АКСЕЛСнинг юртимизда фаолият юрита бошлаганига ўн йил тўлди. Республика таълим марказида шу муносабат билан ўтказилган учрашувда малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада оширишда халқаро таълим муассасаларининг му-

хим ўрни борлиги таъкидланди.

Ўтган ўн йил мобайнида АКСЕЛС томонидан юртимиз таълим тизимига мўлжалланган қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш ишлари ҳамон босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Айни вақтда кенгашининг Нукус, Самарқанд, Бухоро ва Наманган-

да ўқув-тайёрлов курслари, шунингдек, Тошкент шаҳрида учта маслаҳат маркази фаолият кўрсатмоқда.

Тадбир иштирокчиларига АҚШ таълим тизими ва Америкада тахсил олиш учун АКСЕЛС таклифи этабтдан дастурлар хусусида батафсил маълумот берилди.

(Ўза)

Ўзингизни хатарга қўйманг

Кичи остонасига яқинлашиш билан юртимизда «Ўнги хавфсизлиги ойлуги» тадбирини ўтказиш аҳволи ўрта-сида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар олдини олиш орқали фалокатлар сонини камайтиришга доир чоралар ишлаб чиқилмоқда. Аксарият ёнғинлар кўпичча ўзининг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида рўй бераётгани сир эмас. Чунки, кўпчилик фуқаролар уйларида газ ва электр тизимларини билганларча таъмирлаб, ўз хабтлари ва мол-мулкларини хатарга қўймоқдалар. Шунга ўхшаш ҳолатлар кўча-кўй, жамоат жойларида ҳам кузатилаётган.

Маҳалланинг тарбиячилик ролинини ошириш фалокат оқибатларини олмай равишда олдини олиш мизига яқиндан кўмак беради. Ёш авлоднинг тўғри тарбияга йўналтириш, аҳолини огоҳликка қорлаш ва хавфсизлиги таъминлашда маҳалла посбонлари ҳамда кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишнинг аҳамияти беқисс. Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича суҳбатлар ўтказиш, йўриқномалар тарқатиш офатга нисбатан хушёрлик уйғотди.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги ташландик ҳолда ётган боғлар, болалар майдончалари, чикин-

дипар учун махсус ажратилган жойлар ҳашар йўли билан тозаланиб турилса, яна бир хавфсизлик чораси қўрилган бўлади. Айрим жойларда бунга риоя қилинмаганиги тўғрисида ёнғинлар содир этилмоқда. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлидим. Дарсадан сўнг мактабдан қайтаётган ўқувчилар зич жойлашган гаражлар орасида йиғилб қолган хазонларни ёқиб юбордилар. Аста-секин ёнаётган олов бир неча дақиқада катта гўлханга айналди. Кўрқиб кетган болалар тезда қочиб қолишди. Гаражлардаги 2 та машина буткул ёниб кетди.

Агар катталар ўқувчилар-



Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 20 ноябрдан 20 декабрга қадар мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлуги ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган йилги иш тасаллага бағишланди.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Йилги ишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унга қарши кураш қоидаларига қатъий риоя этиш, иситиш ускуналарининг қиш мавсумига тайёргарлигини назоратга олиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини юритиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олинган маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган ўн ойида республикада 800 га яқин ёнғин содир бўлиб, 3 киши ҳаётдан кўз юмган, 25 киши эса жароҳатланган.

МЕТРОСОЗЛАР АНЖУМАНИ

«Метро» халқаро уюшмаси томонидан уюштирилган халқаро анжуман Украина Мариупол шаҳрида бўлиб ўтди. Мустақил Хамдустлик Давлатлари метрополитенларида рельслар ва стрелка йўналтирувчиларининг фаолиятига бағишланган бу йилги тадбирда Тошкент метрополитени делегацияси ҳам қатнашди.

Кун тартибидagi масала бўйича республикамизда амалга оширилаётган техник тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Украинадаги «Азовстал» металлургия комбинати билан алоқани янада кучайтиришга келишиб олинди.

И.АКБАРОВ



Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Бекобод туман халқ таълими бўлимига қарашли бўлган мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатидаги 11 йиллик иш фаолиятининг ҳисобга олмасдан мени имтиёзли нафақага чиқаришмади. Шу тўғриси?

Г.РАҲМОНОВ, Тўртқўл тумани
ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий белгиланган ёшга 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати»да ўқув ишлаб чиқариш комбинати қайд этилмаган. Шунинг учун, Сизнинг имтиёзли пенсияга чиқингизда ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаган 11 йиллик меҳнат фаолиятингиз ҳисобга олинмайди.

САВОЛ: ўқитувчи ёшга доир пенсияга чиққандан сўнг сабоқ бериб келган фанидан ўқитувчи этишмаслиги сабабли ишга қачиртириб олинса, унга пенсияси тўлиқ берилиши мумкинми?

Т.БЕРДИЕВ, Қизилқум тумани
ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли «Ишловчи пенсияерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармони асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи қўйдаги пенсияерларга пенсиялари 100 фоиз миқдорда тўлиниши белгиланган:

- II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ногиронлирига ва Чернобл ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга;
- II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларини бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганларга;
- фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларининг пенсиядаги раисларига;
- ўрта ва кичик тиббий ходимлари, провизорлар, ногирон болаларининг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларга, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиб оладиган мазкур мутахассислар бўйича камдада 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам 100 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ишловчи пенсияерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

Саволингизга ТДЮ нинг «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

САВОЛ: Олий ўқув юртлирида профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида маълумот берсангиз.

А.ҒОҒҒОРОВ, Нукус шаҳри

ЖАВОБ: Олий ўқув юртлирида танлов ўтказиш тартиби ҳозирги кунда амалда бўлган. Олий ўқув юртлирига педагог ходимларини ишга қабул қилиш тўғрисидаги Низомда белгиланган. Ушбу Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998-йил 30 октябрдаги «Олий мактаб хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида» деб номланган 305-сон буйруқ билан тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ барча профессор-ўқитувчилар Олий ўқув юртлирига ишга танлов асосида қабул қилинадилар. Ушбу сессияда Олий ўқув юрти ваколатлари тугаган ҳамда бўш кафедра мудирилар, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент лавозимларига матбуот орқали танлов эълон қилилади. Танловда қатнашган олим Олий ўқув юрти ректори номини ёзилган ариза билан мурожаат қилиш керак. Ариза бериш мuddати, танлов эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечикмаслиги лозим. Низомнинг 19-бандига кўра танловда қатнашган тўғрисида ариза мавжуд бўлмаса танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Танловда қатнашган олим Олий ўқув юрти ректори номини ёзилган ариза билан мурожаат қилиш керак. Ариза бериш мuddати, танлов эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечикмаслиги лозим. Низомнинг 19-бандига кўра танловда қатнашган тўғрисида ариза мавжуд бўлмаса танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Танловда қатнашган олим Олий ўқув юрти ректори номини ёзилган ариза билан мурожаат қилиш керак. Ариза бериш мuddати, танлов эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечикмаслиги лозим. Низомнинг 19-бандига кўра танловда қатнашган тўғрисида ариза мавжуд бўлмаса танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Саволингизга ТДЮ нинг катта ўқитувчиси Гулноза Муродова жавоб беради

САВОЛ: менинг биринчи фарзандим икки ёшга тулмасдан туриб, иккинчи фарзандим учун ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиққим. Биринчи фарзандим учун берилаётган нафақа тугади. Ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси эса энг кам ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқилди. Бундай шартонда нафақа қай тарзда тўланади?

А.ҚУДРАТОВА, Ғузур тумани

ЖАВОБ: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги, ҳамда Молия Вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588,35-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Адлия Вазирлигининг 2002 йил 14-мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтган «Ишлайётган оналарга болалик икки ёшга тулгунча парварши қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш тўғрисида»ги Низомнинг 4-қисми иккинчи бандига асосан агарда болалик икки ёшга тулгунча қадар парварши қилиш таътили даврида она иккинчи бола учун ҳомилдорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бунда онанинг хоҳишига кўра шу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади.

Ҳомилдорлик ва туғиш таътили учун нафақа қайси фарзандига берилаётганидан қатъий назар ишлаётган аёлларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда тайинланади ва тўланади.

Она ер бойликлари

«ҚУМЧУП» ПАРМАЛАШ МАЙДОНИДА

Абдулла ака кенг ва бепоён далау дашлар, юксак қояларни бағрига олган баланд тоғлар, туя ўрқалли қир-адирлар мафтун. Ўттиз бир йилдики, ҳаёти ана шу алғов-далғовли ғўшаларда ўтди. Чўлдаги вагон уйлар ва кўча палаталарда яшашга ўрганиб қолган.

Янги қонни очиб жуда сермашақат ва қийин. Кечани-кеча, кундини-кундуз демая қора терга ботиб ишлайсан. Меҳнатинг зоғ кетмасдан ер қариндан нефт ёки газ фаввораси отилиб чиққанда кўнглинг осмон қадар кўтарилди.

Хисоролди нефт ва газ қидирув экспедицияси Абдулла Ҳасановдек яратувчилик ва бунёдкорлик юмушлари билан банд бўлган 500 дан ортиқ қалби қайноқ, меҳридарё чўлуқварлар меҳнат қилишди. «Дўстлик» ордени соҳиби Д.Сапулгицев «Қумчуп-5» участкасининг илгор пармаловчиларидан. Тажрибали мутахассис Норбўта Шоймуродов бошчи жамоада ўттиз нафар киши ишлайди.

Яқинда илмий ва ишонч руҳи қарор топганлиги муваффақият келтирарпти. Ш.Тиловов, Н.Шоймуродов, Н.Лолаев каби бурғуловчилар ўзларига бириктирилган техниканинг тўла қувват билан ҳаракат қилишини таъминлаб, юқори сифат ва самарадорликка эришилмоқдалар. Шу кунга қадар участкада 4 миң метрга яқин пармалаш ишлари бақарилиди.

Биз экспедиция бошлиғи Қобулжон Тўхтаев, бош геолог Гулмурод Мавлонов ва касба уюшма қўмитаси раиси Назира Жабборовани «Қумчуп» пармалаш майдонида учратдик.

Тўққиз ойлик бўйича мусобақа якунларини чиқаришимиз керак, - дейди касбақўм раиси. - Раҳбарлар билан илгорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни келишиб олдик. Унга яқин миллат ва элат вакиллари билан иборат хазинадошлар ҳаммаосида ишчанлик муҳити қарор топган. Шунинг учун ҳам белгиланган топшириқлар ошириш удалланмоқда. Ҳозирга қадар 2 миллиард сўмликдан ортиқ бурғулаш ишлари амалга оширилди. Ёзининг иссиғи, қишнинг қаратониди ҳам «Қумчуп-5», «Қумчуп-6», «Хавас-1», «Тандирча», «Янги Шимолли Шўртан - 10» участкаларида иш бир зум тўхтамайди. Янгитдан излаб топилган «Шамоликам-1», «Бўстон» хўжа-

лиги ҳудудидаги «Феруза» қонларида қурилиш, ускулнаш жадаллашмоқда. «Чашма-Обизон» майдонида пармалаш ниҳоясига етказилди.

Залворли ютуқларни қўлга қириштишда дизеллик Шохли Тиловов, пармаловчи Баҳриддин Бобоқуллов, Тошнўз Қўлматов, Хусан Ҳақбердиев, Қаҳрамон Мавлонов, уста Чори Чоршанбиев, Абдуҳаким Бердиевларнинг хизмати салмоқли.

Ғамжўрлик фаровонлик манбаи. Ҳар бир қурилиш майдонида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар учун қулай шартноят яратилган. Иссик овқатдан тортиб оғир меҳнатдан сўнг дам олиш, газета-журнал, китоблар мўтолаа қилиш, «зангори экран» кўрсатувларида баҳраманд бўлиш учун имконият яратилган. Маошлар вақтида тарқатилмоқда. Ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 93 миң сўмни ташкил этади.

Экспедиция ҳудуди кўркам шаҳарча қиёфасини эслатади. Хиёбонлар ва боғлар киши кайфиятини кўтарди. Биргина хурмонинг ўзидан 2 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

Қаерда инсон меҳнати қадрланса, ўша жойда ишга муносабат ўзгаради. Ўтган 9 ойда ишчи-хизматчиларга 4 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Элиқдан ортиқ ходимлар «Геолог» профилаторийси ва Мироқо санаторийсида дам олиб соғлиқларини тикладилар. Мингдан зиёд ўғил-қиз Шаҳрисабздаги Бериуний номи болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқаришди. Нафақахўрлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар бошқарма маъмурияти ва касба уюшма қўмитасининг ғамжўрлигида.

Маданий-маърифий тадбирлар тез-тез уюштириб турилади. Бригадалараро спорт мусобақалари ойма-ой ўтказиб борилапти. Футбол, кураш, волейбол, теннис, шокмат-шашка бўйича бўлиб ўтган мусобақалар голибарли касба уюшма қўмитаси томонидан тақдирланди.

Чўл бағрини тун оғушига олган. Олинса пармаловчилар ҳавозаларининг чироқлари оқариб кўринади. Она ер бойликларини мамлакатимиз иқтисодиётга хизмат қилдириш учун астойдил бел болаган бурғуловчилар участкаларида ҳаёт бир маромда давом этапти.

И.ИСОМИДДИНОВ

Она Ватанимизнинг маънавий ва маданий тараққий-тига хисса қўшган Юсуф Хаммадоний, Ахмад Яссавий, Абдуллохик Гиждауний, Баҳоуддин Нақшбанд каби забардаст алломалар. Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм, маърифат ва тасаввуфнинг ривожланишига сезиларли хисса қўшдилар. Шайх Хожа Юсуф Хаммадонийнинг таълим-тарбияси таърихда Хожа Ахмад Яссавий яссавий ва Хожа Абдуллохик Гиждауний хожагон тарикатлари-га асос солдилар.

Юсуф Хаммадоний диний ва тасаввуфий илмлар билан билим доираси билан бирга моҳир адиб ва мутафаккир ҳамдир. У «Рутбатул ҳаёт», «Рисола дар одоб ва тарикат», «Рисола фи аннал-қавна мушаххарун дил инсон», «Рисола дар ахлоқ ва муноҷот», «Кашф» каби асарлар муаллифидир.

Куйида «Рутбатул ҳаёт» асаридан зикр, фикр ва эҳсон макомлари билан боғлиқ парчаларни эътиборингизга хавола қиламиз.

Исломию вожибот(амал)ларни барпо қилишда унс олувчи (қалби ҳузур толувчи) кишилар учун зикр фикрдан яхшироқ ва афзалроқдир. Чунки зикр фикр эшигини очадиган калитдир. Калит йўқолса ёки калитни бировга бериб қўйилса бу эшик асло очилмайди.

Аммо фикрнинг манзилу мақоми гуноҳ ва фисқу фуҷурдан пок бўлган кўнгилдир. Хар турли гуруҳ, нафсоний вазас ва туйғулар бандидан озод, Ҳақнинг лутф, тўғра ва нури билан зийнатланган, Гафур (Аллоҳ)нинг карамати билан тирик, қиёмат кунининг саодатли эшиги томон интилувчи, сурур ва малакут шодлигига йўл топан бир қалбдир.

Аъзолар турли ривазат ва машаққатлар тортиб жиноят вахшатидан покланмагунча, ботиний ва зоҳирий томирларнинг хар бирини Аллоҳ хавфи ва қўрқуви сувлари оқмагунча, қалб ҳовузи қазага рози, бағога собир, неъматга шўр этмагунча, кўнгил покланмайди ва озод бўлмайди...

Бу тафаккур Ҳақнинг элчиларидан бир элчидир. Моликун-мулк хабарларидан бир хабардир. Мўмин ва Муҳаймин (булган Аллоҳнинг) омонлиги ва каровида манзил тутган инсоннинг қўли ҳеч қачон кўркелмайди. Хар келишида бир эҳсон-соғва билан келади: баъзан яқин нури келтирса, баъзан шўр нури олиб келади. Гоҳ сабр нури ва сирлар шамши нури, гоҳ кўз нури келтиради. Гоҳида Ҳақиқи муқтадир (аширин кашф-иҳодлар), гоҳида эса сирри машҳур (ошкор сирлар) олиб келади, баъзида кўнгил сифатларининг сароси ва баъзида инсонлик сифатларининг хисбисини ўзи билан олиб келади. Баъзан кўнгилнинг валийлик фармонини, баъзан руҳнинг тожу камарини олиб келади. Гоҳ нафзу хавонинг йўлгини, гоҳи қурбат қадҳини келтирса, баъзан Ҳақнинг мушоҳада шаробини ва муҳаббат қадҳисини олиб келади. Баъзан қадҳининг унсия-

Устоз ўғитлари

эмас. Хар қандай хотиржам киши подшоҳга яқин суҳбатдош ва ҳамроҳ ҳам бўла олмайд. Бу иймон билан яшайдиган одамнинг сифатидир. Иймонла ҳаёт кечирмоқ хар қанча юксак бир мартаба бўлган билан, эҳсон билан яшаш самоларининг замини-турпори кабудир (яъни, ундан паст мартабадир). Чунки эҳсон билан тирик бўлган киши муслмондир ва эмин-ишончли киши бўлиб, у мушоҳада аҳлидандир.

Эҳсоннинг устулгини ифодаловчи яна бир хусус шундай: исломию ҳаётнинг моҳияти-ўзағи булган амаллар ва эқирлар тартибли бўлиб, улар банданинг феълдир. Иймоний ҳаётнинг асоси булган тушунчалар эса қоршиқ бўлиб, Ҳақ элчиларининг (илҳомини) кўришидир. Бу мартабанинг охири нуктаси дунёвий орзулардан ва халқнинг фитнасидан қутулмоқдир. Бу эса баъзан илоҳий, баъзан малакий, баъзан китобий, баъзан расулий, баъзан охирада тилириш ёки қазою қадарга оид бир илҳом ва тафаккур соясига эришилади.

Иймон билан тирик бўлган банданинг тафаккури Ҳақ таоло бўлган, мосиводан хотиржам бўлиб, юксак бир сифатга етишур. Агар тафаккури фаришта бўлса, махлуқотдан ва гаддор дунёда хотиржам бўлиб, сифати сафо бўлган. Тафаккури Қуръони карим эрса, вазасалардан омонликка эришиб, сифати зако бўлади. Тафаккури пайгамбар бўлса, ширка олиб боровчи сўзу харамаклардан сакланиб, сифати бақоликка эришур. Тафаккури охирада тилириш ва ҳисоб-китоб бўлса, дунёнинг зеб-зийнатидан, ҳийлаю найранглирдан хотиржам бўлиб, сукунат ва хузурга эришган бир хизматчига ўхшаб қолади. Адаб ва эҳтиромга тўлиб-тошади. У сени кўриб турибди» макрима қадим қўйган муриднинг ҳри ха шундайди. Парвардир-гоҳига нисбатан ҳурмати ва адаби янада ортиқ боради. Ҳақ таолодан бошқа ҳамма нарсадан узоқлашади, ўзалигидан кечади, «У сени кўриб турибди» оламнинг ҳайбати билан тўлиб тошади.

таржимонлар: Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ, Нодирхон ҲАСАН, Ўз РФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходимлари

«СУВ ПАРИСИ»ДАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

По йохтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув ҳавасида синхрон сузиш бўйича «СуВ париси» IV халқаро турнири нихоясига етди. Қариб уч кун давом этган бахсларда Россия, Хитой, Қозғистон каби мамлакатлардан келган 70 та синхрон сузиш усталари иштирок эттишди.

Нафосат ва гўзаллик кўриги номини олган турнирда россиялик уч карра Европа чемпиони Елена Шепелова яққалик бахсларида голиб чиқди. Мурақаб машқлар бўйича вакилларимизнинг чиқилари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Жуфтлик бахсларида эса хитойлик синхрон сузиш усталари биринчи, қозғистонликлар иккинчи ўринни эгалладилар. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз шохсупанинг энг юқори погонасини забт этди.

Голиблар турнир ташкилотчилари томонидан таъсис этилган қимматбахо совринлар билан тақдирланди. Турнир якунида ўтказилган матбуот анжуманида Халқаро синхрон сузиш Федерацияси вакили 2006 йилда бўлиб ўтадиган мазкур спорт тури бўйича йирик Конференциянинг ўзбекистонда ўтишини эълон қилди. Мамлакатимизнинг синхрон сузиш бўйича 2007 йилги Жаҳон чемпионати шубҳасиз бўлиши масаласи шу йилгида кўриб чиқилди.



Хонободлик полвонлар Абдуғаффор Холиков ва Абдурасул Салиевлар. Т.ҲАМРАҚУЛОВ олган сурат

ЗИКР, ФИКР ВА ЭҲСОН

Моний ҳаёт билан янада бойиди. Исом ҳаёти билан мунаваар бўлади, иймон ҳаёти билан янада мунаваарроқ бўлади. Исом ҳаёти билан муқарраб - яқин бўлади, иймон ҳаёти билан янада яқинлик ҳосил қилади...

Иймон билан яшашнинг аломати Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, ўлгандан кейин тилиришга, қадарга, яъни яхшилик ва ёмонликнинг Аллоҳдан эканига ишонидир. Бундай бир кишининг Ҳаққа таъзим мартабаси билан уйи,борки, бу ўйда у халқ-дари яширинади, халқ ҳам ундан хотиржам бўлади. Ий фаришталарининг яқинида бир уйи бор. Бу орқали у инсонлар, пари ва шайтонлардан муҳофаза остида бўлади, улар ҳам бу одамдан сакланишади. Ёки китобий (Қуръоний) фармон, таъқиқ, ваъд ва таҳид бўстону боғларига бир маскани бордир.

У ерда дўсту душмандан, дўсту душман ҳам ундан хотиржам бўлади. Ёхуд набий ва расулларнинг оёғи билан машҳур, токи инсон ва жинларнинг бўйинтуруғидан халос бўлади. Ё кўйимат ҳавфида бир хонаси бордирки, ўзи ва халқи тўғрисида парвоси бўлмайди, инсонлар ундан, у эса ҳамма нарсадан хотиржам бўлади. Ёки қаю қадар гирдобада сузади, Китоб, сунат, тарикат, маслаклар, санъат, илмлар ва маърифат ундан хотиржам, у ҳам улардан хотиржам бўлади.

Хар қандай эмин-хотиржам киши султон ва подшоҳнинг душманларидан муҳофаза остида қутулмоқдир. Бу эса баъзан илоҳий, баъзан малакий, баъзан китобий, баъзан расулий, баъзан охирада тилириш ёки қазою қадарга оид бир илҳом ва тафаккур соясига эришилади.

Турфа олам

СУНЬИЙ ОРГАНИЗМ ЯРАТИШ ИМКОНИЯТИ

АҚШ биолог олимлари суньий равижда биологик ҳаётнинг синтезлаш технологиясини яратишга муваффақ бўлишди.

Олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар натижасида ДНК парчаларидан худди шундай бус-бутун ва соғлом янги ДНК ишлаб чиқилди. Уларнинг фикрича, мазкур технология ёрдамида хар қандай тирик организмнинг ДНКсини яратиш мумкин.

Маълумки, ДНК таркибида организм коди жойлашган бўлиб, у организм пайдо бўлган дастлабки дақиқалардан қурилиш жарганини бошқариб боради. Янги кашфиёт турли хил ДНК парчаларидан ген муҳандислиги йўли билан мутлақо янги организмларни яратиш имконини беради экан.

Маълумотларга қараганда, ҳозир АҚШнинг Муксбил энергетика институти лабораториясида янги бактерия ДНКсини синтезлаш борасида тадқиқот ўтказилмоқда. Мазкур бактериянинг ахамияти шундаки, у экологик хавфли моддаларни қўллаб микродорда ютиб, қайта ишлаш олади. Янги усул ёрдамида мутахассислар табиятда маъжуд бўлмаган суньий организмларни яратиш мумкин бўлади. Бу лойиҳа амалга осса, ўрта аср олимларининг узоқ йиллик орзулари рўёбга чиқши тайин. Суньий организм яратиш технологиясидан факат бутун организм эмас, алоҳида қисмларини ишлаб чиқариш ҳам фойдаланиш мумкин. Демак, яқин кунларда инсонлар учун ҳам «ҳаётли қисмлар» ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлса, ажаб эмас.

Японияда поезд тезлигини ошириш борасида рекорд ўрнатилди.

Токионинг жануби-ғарбида жойлашган Яманаси префектураси трасасаларида биринчи марта ўтказилганда, уч вагонли электр поездининг тезлиги соатига 560 километрга етди. Бу 1999 йил апрелда ўйхатга олинган натижадан 8 километр кўп.

ЯПОНИЯНИНГ УЧАР ПОЕЗДЛАРИ

«Жей-Ар Токай» темир йўл компаниясининг маълум қилишича, поезд ҳайдовчисиз, назорат нуктасидан кампьютер орқали бошқарилган.

Катта тезликда «учган», юқори волтли магнит эстикчалари орқали ҳаракатланган поезд ердан 10 сантиметргача кўтарилди ва йўлнинг 18 километрни бешовқин атиги икки дақиқада босиб ўтди.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги тажрибада поезд тезлиги соатига 580 километргача оширилади. Мазкур поезд бир неча кун аввал ҳам ўзига хос рекорд ўрнатганди. У кун давомида йўловчи ташили, умумий ҳисобда 2876 километр йўл босди. Бу кўрсаткич энг сўнгги натижадан 300 километр кўп ҳамда 2001 йилда қайд этилган рекорддан икки баробар ортиқдир.

ҲАШАРОТЛАР ХОНИШИ

Ёз ойлари дала, майсазор ёки ўрмондан ўтар экансиз, турли-туман ўтарларнинг сайрашидан ҳузур қиласиз. Ҳашаротлар ҳам қушлардан қолишмайди. Айрим ҳашаротлар борки, товуш чиқариб, хониш қилиш уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунинг учун уларда махсус овоз аппарати бор. Улар ўз товушлари билан вазиятга қараб душманни ёки «ҳешича» руҳий ёнқи физиологик таъсир кўрсатади.

Баъзи ҳашаротлар гўё овоз чиқармайдигандай туюлади. Ёки бўлмаса бекфарқ ҳолда беихтиёр овоз чиқаради, ёхуд уларнинг товуши шу қадар паст бўладики, киши қулоғига эшитилмади.

Соқов деб ҳисобланган чумоли ҳам ўзига хос овоз чиқарар экан. Баъзи тур чумолилар қорнинг пастки бир қисмида тарам-тарам чучурчалар бор. Чумоли шу жойини олдинги бунгичадаги қўндадан тарақчалари билан ишқаласа, товуш чиқари.

Бир хил қўнғизлар, масалан, мўйловдор қўнғизлар бирон ҳашарот билан олишса қулоққа сал-пал чалинувчи ингичка товуш чиқаради. Дуб дархатида яшайдиган йирик мўйловдор қўнғиз товушини эса хатто бир метр наридан ҳам эшитса бўлади. Бу ҳашарот кўрағидида икки бўғинини бир-бирини ишқалаш йўли билан шундай товуш чиқаради.

Чигирткаларнинг деярли ҳамма турида чигиртовчи ёъзо бўлади. Бундай ёъзо ҳамма турдаги чигирткада асосан бир хил бўлса-да, тузилиши ва ишлатилиши билан бир-биридан фарқланади.

А.АЛИЕВ

Бўлмагунча қулфатга дучор. Дўст қадрига етмайди инсон. Лат еса-чи суяги агар. Мўминий қадрлар шу он.

Мухаммад ХУСАЙН

Мўминёюнча сўз бўлиб, «бадани (организми) муҳофаза этувчи», яъни «танани сакловчи» деган маънони англатади. У доривор модда сифатида у минг йилдан бунён Марказий Осиё, Эрон, Непал, Хиндистон, Хитой, Бирма, Арабистон, Тибет, Монғолия, Мисрда кенг миқёсда қўлланиб келинаганлиги қадимий кўлёмалардан маълум. Унинг шифобахшиги тўғрисида Афлотун, Абу Бакр Ар-Роъий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Довуд Антоки, Нурмухаммад Хусайн, Мухаммад Хусайн Хон Алъвийи ва бошқа алломаларнинг асарларида ҳам батафсил маълумотлар берилган.

Мўминёюнч ҳоссалари қўнғилиқ қадимий манбаларда бир хил таъриф этилган бўлиб, уларни шундай яқинлаш мумкин. «Мўминёюнч тур организмга ва айниқса, юракка қувват беради, бод изларини йўқотди, ички ва ташқи органларга куч бағишлади, баданининг рутубатини сўриб олади, жинсий органлар фаолиятини кучайтиради, беркилиб қолган қонни юргизади, фалажга, юзининг тортишиб қолган мушакларига даво бўлади, захарланганда, чаён чакқанда, меъда-ичак касалликларига, қон тўлганда, қовуқ ярасида, сийдик тўтолмаслиқда, қадамни титраб босганда, дудуқла-нишида фойдасиз тегади. Баъзи ўсманларни доволашда, суюқ чиққан-да ёки синганда, хар хил жароҳат-ланишларда ва умумий мушак бўғини ва суюқ касалликларига даво беради». Булардан ташқари Ибн Сино ўз асарига шундай ёзади: «... Кўпдан биринчи оқшайди қарши бир арпа дони микродордаги мўминёюнч ёки гўра узунини суви билан қўшиб, пиллик ҳолида ишла-тилади. Йўталганда жилонхейда суви ва арпа суви билан у кун кет-ма-кет наҳорда ичилади. Чаён чак-қан жойга сариёб билан суртилади»...

Арастунинг қўрсатишича, мўминёюнч асалга аралаштириб тилга сур-илса, касалликлар оқибатида кел-иб чиққан дудуқлашни тугата-ди, ҳатто тўғра қарликдан фори-эттида фойдасиз тегиши мумкин.

Мулоҳаза БИР ҚУТИ ТАМАКИ

«Шарқ зиёкори» китоб дўконлари-да қўйиб, эътиборини башанг қийинган, сочларини хар хил ажабтовур ранглар билан бўяган 14-15 ёшлар чамасидидаги қизлар тортиди. Кўринишидан ўзига тўқ оиланинг фарзандларини эканлигини пай-қаш мумкин эди.

Аммо... Уларнинг бу ҳуснини оғизла-ридан ҳавога бурқиб чиқаётган тамаки тўтунлари «бузиб» турарди... Ҳадемай бирор оиланинг бекаси, қўша-қўша фарзандларнинг онаси бўла-диган қизларга шундай юриш жоизми? Ахир, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Бунинг учун қизлар ўзла-рини ёшлиқдан тарбиялашлари керак эмасми?

Йўлаб қарайдиган бўлсак, улар чеки-шаётган тамаки маҳсулотларининг нар-хи 250 сўмдан 1000-1500 сўмини ташкил этади. Ҳўш, бир қўти маҳсулот ўртача ҳисобда бир ҳафтага етсин, аммо бу «ҳафтала»нинг кети узилармикан?! Шун-га яраша унга кетадиган маблағ-чи?

Мулоҳаза

Шу маблағлар эвазига китоб дўконлари-дан мазмундор, маънавий дунёқарашни бойитадиган бир қанча китобларни ҳам со-тиб олиш мумкин. Аввало, бунинг натижа-сида оналик, келинлик оstonасида турган қизларимизнинг тафаккур гулшанлари, илм доиралари кенгайиб, камол топади. Ҳаёт-да, ўзларининг муносиб ўринларини топа биладилар. Шу билан биргаликда ҳам на-ман, ҳам жисмонан соғлом фарзандлар ка-мол топади-ку!

Хар бир қизда Тўмарис момо шижоати-ни, Қумушбиби мяхотиби мумжасам. Фақат уни рўёбга чиқариб, шакллантириш даркор. Аслида ҳаммаси ўзимизнинг қўлимизда. Бу йўлда бизга момоларимизнинг насиҳатла-ри билан биргаликда китоблар ёрдам бе-риши шубҳасиз. Бир қўти тамаки пулига кўмилиб юргандан кўра зиёда ичиди яраган яхши эмасми?

Навабахор РАҲМОНОВА, Зулфия номидидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Ешларимизни баркамол билим ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги кўннинг долзарб вазифалари қаторига кирди.

Денос тусанидаги 3-ихти-сослашган мактаб-ин-тернатда ҳам бу бо-рада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

ДАРСДАН СЎНГ ФАН ТЎГАРАКЛАРИГА

Мактаб-интернат ма-тематика ва инглиз тили фанларига ихтисослаш-ган йўналиш бўйича ташкил қилинганлигига ўн йил бўлди. Айни пай-тда таълим масканида 7-11 синфлар негизида 255 нафар ўқувчи таъ-лим олмақда.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва тарбиячилар кадрлар тайёрлаш миллий Да-стур асосида ўқувчилар-га юқори даражада таъ-лим-тарбия беришда ўз билим ва малакаларини аямой келишяптир. Мак-таб-интернатнинг ўқув-чилари математика ва инглиз тили фанлари бўйича махсус таълим олади. Улар олимпиада, кичик фанлар академи-яси ва фан кечалари ор-қали билимларини бой-итиб боришмоқда. Таъ-лим масканида хар йили 3 босқичда фан олимпи-адалари ўтказилади. Дарсдан кейин ўтказила-диган фан тўғрақлари ўқувчилар билимини янада оширишда асосий о-роли бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида та-лабаларнинг йўналти-рилган ихтисослар бўйи-ча Олий ўқуш юрталарига ўқишга киришларига пушга замин яратди.

Айниқса, С.Аслонов, А.Мингулова, М.Теми-рова каби тажрибали ўқитувчилар янги техно-логия услуби асосида дарс ўттишмоқда. Дарс жараёнида хар бир ўқу-вчига алоҳида эътибор қаратилади.

Шинам кутубхона ва спорт соғломлаштириш масканлари ўқувчилар ихтиёрида. Жисмоний тарбия мураббийлари раҳбарлигида тез-тез қизқариб мусобақалар ўтказиб турилади. Шу билан биргаликда мак-таб-интернат касаб-а уюшма қўмитаси маъму-рият билан доимий ҳам-корликни йўлга қўйган. Ўқитувчиларнинг фидо-корона меҳнатларини рағбатлантириш бориш касаб-а уюшманинг дои-мий диққат эътиборида.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири

ISHONCH Бош муҳаррир МУАССИС: Мирғиёс КАЮМОВ Ўзбекистон касаб-а уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Довирот Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар булими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топширилш вақти - 21.00. Топшириш 22.40

Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсатиш: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 нолда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерла терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.